O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 20 июнь, № 117 (3916) Сешанба


# ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қатнашди.*







Осиёда кўплаб минтақавий тузилмалар мавжуд. Аммо уларнинг деярли барчаси жуғрофий ва савдо-иқтисодий омиллардан келиб чиқиб тузилган. Мазкур кенгаш эса қитъада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини ялпи қамраб олган. Шу жиҳатдан у муҳим аҳамиятга эга.

Форумда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Россия Президенти Владимир Путин, Хитой Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар. Шунингдек, Таиланддан Бош вазир Таксиан Шинаватра, Исроилдан Бош вазир ўринбосари Шимон Перес, Ҳиндистондан махсус вакил — нефть ва табиий газ вазири Мурли Деора, Эрондан ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Аббос Эракчи, Мўғулистондан парламент Спикери Мэндсайхан Энхсайхан, Фаластиндан Фаластин Озодлик ҳаракати Ижроия қўмитаси аъзоси Саъд Аҳмад Ауда, Туркиядан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ Гул ва бошқа қатор мамлакатлардан махсус вакиллар иштирок этди.

Саммит аввалида кенгашга Корея Республикаси қўшилгани ва эндиликда унинг аъзолари сони ўн саккизтага етгани маълум қилинди.

Кенгашнинг 2002 йил 4 июнда бўлиб ўтган илк саммитида қабул қилинган якуний ҳужжатда қайд этилганидек, Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мазкур тузилма фаолиятининг асосий мақсадидир. Бунда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлайди. Айниқса, ядровий қуролсизланиш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Шу жиҳатнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун яхши асос бўлади. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиёни ядро куролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббускоридир.

Кенгаш барча турдаги террорчиликни кескин қоралайди. Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка айирмачилик ва наркотрафик ҳам жиддий таҳдид солаётгани борасида кенгаш аъзоларининг фикри якдил. Шу билан бирга, коррупцияга оғир трансмиллий жиноий фаолият сифатида қаралади.

Бу муаммоларнинг барчаси кўп томонлама, мувофиқлаштирилган ҳамжиҳат саъй-ҳаракатларни талаб қилади, албатта.

Кенгашнинг илк саммитида тўрт йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказиб боришга келишиб олинган эди. Бу галги саммитда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Кенгашнинг ишчи механизми – Котибияти тузилди.

Осиёда хавфсизлик масаласи тобора долзарблашаётгани сир эмас. Саммит қатнашчилари минтақавий хавфсизликни таъминлашда, янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар бўйича зарур чораларни белгилаб олиш юзасидан фикр алмашдилар. Ҳар бир давлат делегацияси раҳбари минтақавий хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз нутқида можаро ва келишмовчиликларни бартараф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотувлигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар доим устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади. Шу боис ҳозирги шароитда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишонч чоралари механизмини татбиқ этиш борасидаги тавсияларда муайян можароли вазиятлар ҳисобга олиниши керак.

Таъкидламоқ жоизки, саммитни ёритишда қатнашган журналистлар Ўзбекистон раҳбарининг нутқини катта қизиқиш билан тингладилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар кенгаш тўлақонли ташкилотга айланмаётган бўлса-да, долзарб минтақавий масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш учун яхши имконият яратишини қайд этдилар. Қитъамизда дўст давлатлар кўп, лекин ўзаро муайян келишмовчилик ва зиддиятлар мавжуд бўлган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Кенгаш ана шундай мамлакатлар вакилларининг норасмий мулоқоти учун яхши замин тайёрлайди. Шу боис музокара олиб боришнинг ўзига хос шакли сифатида бу форум келгусида ҳам сақланиб қолиши керак, деган фикр билдирилмоқда.

Саммит якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Декларацияси қабул қилинди, ташқи ишлар вазирлари ва махсус вакиллар Котибият тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Тузилма сафи кенгайиб бораётгани Осиё давлатларининг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишлари уйғунлашаётганидан далолат беради. Саммит қитъа мамлакатлари ўртасида ишонч чоралари механизмларини янада самарали ишга солиш, шу орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиши табиий.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

Тошкент — Олмаота — Тошкент.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ**
**олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи

Ҳурматли раис!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакилларини қутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Кенгашда бугун муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этмоқчиман.

Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шарти бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Лекин бизнинг асримизда — глобаллашув ва гиесиёсийлашув жараёнлари ғоят чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзгариб, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва можароларнинг олдини олиш борасида давлатларнинг саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар мавзуси кўплаб минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг, аввало, нуфузли ташкилот бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-марказида туради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳа йўққи, Қозоғистон давлати ва унинг Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Осиё минтақасида можароли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳокама қилиш учун белгиланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президенти билдирган муҳим таклифларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон делегацияси номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим.

**Биринчидан.** Осиё қитъаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларининг, уларнинг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг изчил суръат билан ривожланишини таъминлашда АСЕАН, ШҲТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу боис бугун Форумда муҳокама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу масалаларга доир тамойил ва мулоҳазаларни ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади.

**Иккинчидан.** Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиётда ва сиёсат майдонида учрайдиган айрим хатти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда, бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кескинлик ва қарама-қаршилик туғдирмоқда, миллионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда.

Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг пастлиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

*Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 15 июнь куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу саммитда сўзлаган нутқи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Муҳтарам саммит қатнашчилари!

Давлатлар раҳбарлари ва вакиллари — саммит иштирокчиларини қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди. Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Ху Цзиньтаога ва барча хитойлик дўстларимизга меҳмондўстлик ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ўзбекистон ШҲТнинг ўтган беш йиллик фаолиятига бу ерда берилган баҳоларни маъқуллайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий базани шакллантириш, асосий ҳужжатларни қабул қилиш, ШҲТнинг ташкилий ва инстутиционал шаклланиши борасида улкан ишлар қилинди, ШҲТ олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро алоқани йўлга қўйиш бўйича салмоқли қадамлар ташланди.

ШҲТ изчил ривожланиб, ўз фаолияти доирасини хавфсизлик соҳасидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳалар, шунингдек, халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги кўп кўламли ҳамкорликкача кенгайтирди.

Тарихан қисқа даврда ШҲТ нафақат нуфузли халқаро тузилмага айланди, балки ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи омиллардан бири бўлиб шаклланди.

Бизнинг фикримизча, ШҲТнинг халқаро обрўси ва жозибадорлиги ортиб бораётганини белгилаётган энг муҳим жиҳатлар қуйидагилар:

**Биринчидан**, Евроосиё ҳудудида ШҲТнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва бунга эҳтиёж борлиги, унинг олдига қўйилган ва ҳал этилаётган вазифаларнинг долзарблиги. Бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда ташкилотга аъзо мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга муҳим аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

**Иккинчидан**, ШҲТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас.

Ниҳоят, **учинчидан**, ҳозирги замонда ШҲТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб барқарорликни сақлашнинг ишончли кафили, радикал ва экстремист кучлар, турли қўпорувчи ва бузғунчи марказларнинг минтақада вазиятни издан чиқариш, уни қарама-қаршилик ва низо майдонига айлантиришга уринишларига тўсиқ қўювчи омил сифатида майдонга чиқаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳурматли саммит қатнашчилари!

Халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай жаҳон бўйлаб хавф-хатар камаймаяпти.

Бугунги форумда вакиллари иштирок этаётган кенг географик ва геосиёсий ҳудудда ҳали ҳамон кескинлик ўчоқлари, ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг кескинлашиш хавфи, иқтисодий ва гуманитар хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Афғонистонда вазиятнинг беқарорлиги, наркотик ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, ушбу мамлакатда жойлашган коалиция кучларининг бу иллатга қарши кураш чоралари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушуриш, уларни муқобил давлатлараро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этмоқда. Булардан мақсад ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақадаги вазиятни издан чиқаришдир.

Минтақадаги давлатларни, сиёсий йўналиши уларнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келиши ёки келмаслигига қараб, демократик ёки ғайридемократик деб атайди, бундай қарашнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади.

Ўз-ўзидан аёнки, юзага келаётган мураккаб вазиятда узоқ истиқболни ҳисобга олиб бундай комбинацияларнинг рўй бериши мумкин бўлган барча оқибатларини олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

*Вадим ёруғ дунёга келган куниданоқ ҳаётнинг аччиқ зарбасига учради. Икки оёғи шол, ўз гавдасини тутолмайдиган болани отаси Виктор ҳамда онаси Надеждалар минг азобда парваришлашди.*

# «ЎЗ УЙИНГ - ЎЛАН ТЎШАГИНГ»

### экан дейди ўз юртига қайтиб келган фарғоналик ногирон Вадим Герман

Ногирон болага кунда парвариш, алоҳида муносабат, энг муҳими, меҳр-муҳаббат керак бўлади. Вадим улғайгани сари муаммолар ҳам кўпая борди. Яхшиямки, у туғилиб ўсган юрт — Ўзбекистонда ногиронлар эъзозда. Унга ижтимоий таъминот бўлими томонидан нафақа ўз вақтида тўлаб келинганлиги учун ҳам моддий томондан қийналмасдан, у-бу нарсага зор бўлмай ўсди. Лекин оиладаги нотинч муҳит туфайли Надежда Виктор билан ажрашиб, ногирон боласини аравачага ўтказиб, Москва вилоятининг Орехово-Зуево шаҳрида истиқомат қилувчи отаси ҳузурига жўнаб кетди.

Тез орада у ердан шум хабар келди: Надежда оғир касалликка чалиниб, ҳаётдан кўз юмибди, бобоси ҳам вафот этибди. Шундай қилиб, ҳали вояга етмаган ногиронлик аравачасини зўрға ҳаракатлантирадиган Вадим яна ҳаётнинг аччиқ зарбаларига дуч келди. Энг ёмони маблағсиз, ёнида бирор-бир меҳрибони йўқ, кўчада қолди ҳисоб. Бобосининг қўшнилари уни Краснов шаҳридаги касалхонага жойлаштиришди. Лекин унинг бу ерда бир умр қолиб кетиши учун на маблағ, на имконият, на шароит бор эди.

— Меҳрибон онамдан жудо бўлиб, яшаш учун маблағсиз ва нотаниш касалхонада бегона кишилар орасида мунғайиб қолганимда, кўз олдимга киндик қоним тўкилган шаҳрим — бепоён боғларга бурканган Фарғонамни қўмсардим, — деб эслайди Вадим. — Бу гўзал юртнинг меҳрибон кишилари, ҳар қандай шароитда ҳам етим-есирларни бошини силайдиган ўзбек қўшниларим тушларимга кириб чиқарди. Касалхонада якка-ёлғиз қолган кезларимда шаҳар ижтимоий таъминот бўлими орқали Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасига мурожаат қилдим. Менинг хатимни у ерда ўқиб, дарҳол чора кўриш учун республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига йўллашибди.

Дастлаб боланинг қаровсиз қолганлиги ҳақида отаси Виктор Александровичга хабар қилинади. У болани олиб келиш учун маблағи йўқлиги, бу ҳақда Красноярск шаҳрида истиқомат қилувчи туғишган опаси Галинага хабар қилганлиги, у иложи бўлса Вадимни олиб кетишга ваъда берганлигини айтиб қутулади. Лекин орадан анча вақт ўтишига қарамай Вадимнинг ҳолидан на аммаси, на отаси хабар олади.

Ўзбекистон фуқаросининг тақдири билан қизиққан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамда Фарғона шаҳар ҳокимлиги ногирон болани олиб келиш ҳаракатига тушишди. Вадим Германнинг олисда сарсон-саргардон юрганлигини эшитган мурувватли ташкилотлар, ҳомийлар унга ёрдам қўлини чўзди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси Қўқон шаҳридаги «Мурувват уйи» директори Баҳром Жумабоевни Вадимни ўз она юртига олиб келиш учун Орехово-Зуево шаҳрига сафарга жўнатди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси эса ўз ҳисобидан йўл чипталари харид қилиб берди.

Мана, тўрт йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг Вадим Герман яна ўз туғилган юрти — жонажон Ўзбекистонига қайтиб келди.

— «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг» экан, — дейди айни кунларда яқинда қайтадан таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатадиган Фарғона болалар уйида истиқомат қилаётган Вадим. — Бу ерда барча шароитлар мавжуд. Ногиронлик нафақамни ҳам мунтазам олиб турибман. Ҳеч нарсадан муҳтожлигим йўқ. Вақти-вақти билан қўшниларим, тенгдошларим хабар олишади. Мен тупроғини кўзимга тўтиё деб биладиган юртимга қайтиб келиш учун имконият яратган, маблағ ажратган, бу хайрли ишга бош қўшган кишилардан, ташкилотлардан бир умр миннатдорман.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мумтоз санъаткор



Хотира

*Ўзбек мусиқали театр санъатининг яловбардорлари орасида Муҳиддин Қори Ёқубов алоҳида ўрин эгаллайди. XX аср бошларида Шарқ мусиқий санъати анъаналарини давом эттирган, Европа мусиқий маданиятини эгаллаган, кўҳна миллий мусиқий маданият намуналарини сақлаб қолиш ва истеъдодли халқ ижрочиларини санъат оламига олиб кириш ишига бебаҳо ҳисса қўшган, Европа аҳолисини ўзбек мусиқий санъати ютуқлари билан биринчи бўлиб таништирган ҳамда мустақиллик йўлида фидойилик кўрсатган Қори Ёқубов халқимизнинг ўлмас сиймоларидан биридир.*

Унинг ҳаёт йўлига назар ташласак, фарғоналик имом оиласида туғилиб, 4 ёшида отасидан етим қолган, 1910-1917 йилларда Орифжонбой мадрасасидаги диний маросимларда қори сифатида қатнашган, ўша Орифжонбой ва Ражаббойлар қўлида гумашталик (приказчиклик) қилган йигитнинг янги ўзбек мусиқа санъатининг дарғаларидан бири даражасига кўтарилганидан ҳайратга тушамиз. Бўлғуси санъаткорнинг сиёсий ва маданий жабҳага ўтишида татар маърифатпарвари Ҳоди Файзийнинг таъсири каттадир. У 1917 йилнинг бошларида Фарғонада драма тўгараги ташкил этиб, унга Қори Ёқубов, Ҳожи Сиддиқ Исломов сингари истеъдодли ёшларни таклиф этади. Мазкур драма тўгараги ва кейинчалик тузилган миллий оркестр водий аҳолиси ўртасида жадидчилик ва миллатпарварлик ғояларининг тарқалишида муҳим роль ўйнайди.

Қори Ёқубов 1919 йили Тошкентга келиб, Фитрат, Ғулом Зафарий, Босит Қориев, Қудратилла Маҳзумов сингари маданият арбоблари билан танишади ва "Турон" клуби қошидаги театр тўдаси фаолиятида иштирок этади. Икки йилдан сўнг Ф.Хўжаевнинг таклифи билан Бухорога бориб, саҳналарда ўзининг мислсиз санъатини намойиш этиб, томошабинлар муҳаббатини қозонади. 1922 йилда мазкур арбобнинг ташаббуси ва моддий ёрдами билан Москва Давлат театр санъати институтининг вокал бўлимида ўқийди. Айни пайтда машҳур Ла Скала театрида овозига сайқал бериш ва бельканто санъатини эгаллаш мақсадида Италияга бормоқчи ҳам бўлади.

***1923 йил 6 апрелда Москва консерваториясининг катта залида бўлиб ўтган концертда рус вокал санъатининг машҳур намояндалари билан бирга қатнашиб, улар таҳсинига сазовор бўлади. 1925 йили эса Парижда бўлиб ўтган Жаҳон декоратив санъати кўргазмасининг очилиш маросимида рафиқаси, афсонавор Тамарахоним билан бирга ўзбек халқ қўшиқларини ижро этиб, жаҳоншумул муваффақият қозонади. Ўзбек артистларининг чиқишларидан ғоят мутаассир бўлган парижлик санъат мутасаддилари Париж ва Берлинда унинг концертларини ташкил этишади.***

Европа сафаридан бир олам таассурот ва янги ижодий режалар билан қайтган санъаткор 1926 йил апрелида Давлат концерт-этнографик ансамблини тузиб, унга Фарғона водийсидаги истеъдодли созанда, хонанда ва раққосаларни жалб этади. Унинг саъй-ҳаракати билан Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Нурхон Йўлдошбоева, Аҳмаджон Умурзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Жўрахон Султонов сингари истеъдодлар санъат оламига кириб келадилар. Ансамбль икки йил ичида 500 дан зиёд унутилаёзган халқ қўшиқ ва рақс куйларини йиғиб, уларнинг аксариятини ўз репертуарига киритади. Ансамбль ўзбек халқ санъатини фақатгина мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида намойиш этибгина қолмай, Ўрта Осиё республикалари бўйлаб ҳам ижодий сафарга чиқади. Москва, Ленинград, Қозон ва Уфага гастроль сафари билан боради.

Халқнинг мусиқий санъатга бўлган беадад меҳр-муҳаббатини кўрган Қори акада Ўзбекистонда мусиқали театр барпо этиш ғояси туғилади. У 1927 йил июлида Миршоҳид Мироқилов ва Тамарахоним билан бирга Қўқонда миллий оркестри ва хори бўлган мусиқали театр ташкил этади. Кўп ўтмай, ушбу театрда Ғулом Зафарийнинг "Ҳалима", Хуршиднинг "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмалари саҳна юзини кўради.

1928 йили тиниб-тинчимас санъаткор Андижон театрига директор этиб тайинланади. У Бобур ватанида мусиқали театр санъатининг кенг қанот ёзиши учун Ҳалима Носирова, Комил Яшин, Тўхтасин Жалилов, Исоқ қори сингари санъаткорлар сафига бир қатор ёшларни таклиф этади. Муҳаммаджон Тожизода, Лутфихоним Саримсоқова сингари санъат фидойилари Қўқондан Андижонга келиб, устознинг янги ижодий режалари рўёбга чиқишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ҳалима Носирова иштирокидаги "Лолахон", Лутфихоним иштирокидаги "Фарҳод ва Ширин", Қори Ёқубов иштирокидаги "Аршин мол олон" спектаклларининг довруғи бутун Ўзбекистонга ёйилади.

1929 йилда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги қошида Қори Ёқубов раҳбарлигида ўзбек давлат экспериментал ансамбли ташкил этилиб, ўша йилнинг 7 ноябрида ансамблга ўзбек давлат мусиқали театр расмий мақоми берилади. Айни пайтда санъаткор миллий опера санъатини яратиш орзусини ҳам амалга оширишга киришади. Ниҳоят, 1934 йилда у янги барпо этилган опера студиясига директор этиб тайинланади.

Аммо ўтган асрнинг 50-йилларида сталинча қатағоннинг навбатдаги тўлқини туфайли у ҳам 1952 йил 5 июлда "халқ душмани" сифатида қамоққа олинди ва ўша йилнинг 14 ноябрида суд ҳукми билан 25 йилга озодликдан маҳрум этилди. 1926 йилда Ботунинг "Қуш уяси бузилди" "аксилинқилобий" ашуласини айтгани, 1938 йилда отиб ташланган Фитратни даҳо ёзувчи сифатида кўкка кўтаргани — булар ҳаммаси, НКВД наздида, унинг аксилинқилобий унсур сифатидаги портретига муҳим чизгилар эди.

Қори Ёқубов тўғрисидаги 1951 йил 20 октябрга оид энг сўнгги хуфяномада бундай сўзлар қайд этилган: *"Қори Ёқубов бир оз шароб ичиб, ўзбекча қўшиқларни айта бошлади. Бу қўшиқларнинг ҳар бир сатридан унинг аламлари ва совет тузумидан норозилиги яққол сезилиб турди. Қори Ёқубов (қўшиқ айтиб бўлгач) бундай деди: "Ўзбек деган миллатга кўз тегди. Ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди. Масалан, Темурхон замонида ўзбеклар бошқача эдилар. Емельян Ярославский Темурхон тўғрисида ёзиб, бундай деган экан: "Саркардалар тарихи Темурхонга тенг келадиган бошқа саркардани кўрмаган. У ўз йўлида бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган".*

Хуфяларнинг бундай хабарларида берилган маълумотлар унинг ўзбек халқининг мустақил бўлишини астойдил орзу қилган муборис санъаткор бўлганидан шаҳодатдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин халқимизнинг бу марҳум фарзандига биринчилар қаторида "Буюк хизматлари учун" ордени берилди.

**Наим КАРИМОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 4 майдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбийлашган бошқармаси ва жойлардаги ҳарбийлашган хизматлари тугатилади.***

***Тугатиш ишлари бошланганлиги муносабати билан кредиторларнинг шикоят, даъво ва эътирозлари 2 ой муддатда Қодир Махсумов кўчаси, 85-уйда қабул қилинади. Телефон: 135-53-18, 134-59-73.***

Юртимизнинг азиз фуқаролари ва меҳмонлари!
2006 йил 14 июндан бошлаб ҳар ҳафтада бир марта, чоршанба кунлари 486-рақамли
«Тошкент–Челябинск–Тошкент» йўловчи поезди
ҳаракатланишни бошлади.
Телефон: 199–76–27.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Чипталарни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ кассаларидан поезд жўнашидан 20 кун аввал харид қилишингиз мумкин.
«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
КОДОС HID
ADI International
Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах
DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS
ул. Дружбы народов, 44.
Тел. 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лиценцзия КМ №000390 (проектирование).

Ҳурматли қишлоқ хўжалиги ходимлари!
«MOLSEM GROUP»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F 1 Молдавия селекция гибридларининг
маккажўхори уруғларини
етказиб беришни таклиф этади.
Гибридга боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври — 75-77 кун.
Дон ҳосилдорлиги гектарига 60-90 центнер, силосбоп кўкпоя — гектарига 400-500 центнер. Дон таркиби — 10,6% оқсил, 3,9% ёғ ва 71,4% крахмалдан иборат.
Маккажўхори уруғлари сараланган, инкрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунгициди билан дориланган ҳамда 25 кг. ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.
Мурожаат учун маълумот:
700000, Тошкент ш., Пушкин к., 59-уй.
Тел. (+998 71 )137-11-67, факс: (+998 71)137-11-49.



ISO 9001
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.
Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.
Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz
Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

MF «МЕДИФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлик-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Илк бор Ўзбекистонда
TÜV NORD Group (RWTÜV)
«Корхонада мотивацион муҳитни яратиш» курсини ўтказади
Корхоналар раҳбарларининг яхши натижаларга эришишларида улар қўл остида меҳнат қилаётган ишчилар муҳим роль ўйнайди.
Маълумки, мотивацион механизмнинг мавжуд эмаслиги ходимларнинг совуққонлик билан меҳнат қилишларига, ўз вазифаларига бепарволик билан ёндашишларига, ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришишида масъулиятсизлик қилишларига олиб келади.
Ходимларга мос келадиган тизим, бу нафақат рағбатлантиришнинг тўғри механизми, шунингдек, номоддий чоралар тизими, ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги ошишига, корпоратив маданиятни ташкил этишга, корхонада ижтимоий-психологик муҳитни яхшилашга, натижада ходимларнинг компания равнақи учун хушкайфият ва хоҳиш билан ишлашларига таъсир кўрсатади.
Биз мазкур курсни ўтказиш учун Россиянинг йирик саноат корхоналарида, шу жумладан, «Ижорский завод» саноат корхонасида кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш тизими асосчиси, кемасозлик саноатига кадрларни тайёрлаш бўйича маслаҳатчи, Санкт-Петербург меҳнат бозорини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи аъзоси, «Адмиралтейские верфи» институтининг илмий кенгаши аъзоси, «Цестра» стратегик ривожланиш маркази бош директори Инна Семёновна Красовицкаяни таклиф этганмиз.
Курс Тошкент шаҳар халқаро бизнес марказида бўлиб ўтади.
2006 йил 26 июндан 30 июнгача.
www.sert-management.uz
TÜV NORD
Better. Closer. More.



«Sert Management» МЧЖ — TÜV NORD Group (RWTÜV)нинг Ўзбекистондаги расмий ҳамкори ва вакили.
Тел./факс: (99871) 152-76-71, 152-18-93.
E-mail: rwtuv-uz@bcc.com.uz
www.sert-management.uz

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган
турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.
Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.



Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА



*Яқинда мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонлаймиз. Ватанимиз истиқлолга эришганида мен олти ёшда бўлган эканман. Биз оиламиз даврасида ҳуррриятимиздан аввал ва кейин содир бўлган воқеалар, ўзгаришлар хусусида кўп гаплашамиз.*

# БЕБАҲО НЕЪМАТ

Шунда онам:

— Сизлар эркин замонда улғаяётган авлодсизлар, — дейди. — Яхши ўқисаларинг ва меҳнат қилсаларинг дунёнинг ҳамма эшиклари очиқ. Биз мактабда ўқиб юрган кезларимизда шароит бутунлай бошқача эди...

— Қандай эди? — деб сўрайди синглим Камола.

— Масалан, мана бу дарслигингни олайлик, — дейди онам қўлимдаги "Ўзбекистон тарихи" китобига ишора қилиб. — Қара, қандай чиройли, батафсил, мукаммал китоб. Тунов куни мазза қилиб ўқидим. Биз мактабда ўқиган пайтимизда Ўзбекистондай қадимий ўлканинг тарихи пиёзнинг пўстидай юпқа китобга "жойланган" эди. Эсимда бор, бутун бир синфда битта ёки иккита дарслик бўларди.

— Университетга кираётганимда тарихдан "беш" олганман, дегандингиз-ку? — дейди синглим.

— "Беш" баҳо олганим ҳам, мактабни олтин медалга битирганим ҳам рост. Лекин мактабда ўн йил ўқиган бола 1917 йилдаги октябрь тўнтариши-ю, компартия съездларининг "жаҳоншумул аҳамияти"ни ўрганиб чиқарди. Мен ҳам ана шунақа таги пуч, ёлғон тарихдан имтиҳон топширганман. Энди билсак, юртимизнинг жуда-жуда бой, қизиқарли тарихи бор экан.

— Ойи, сизларга мактабда чет тили ўргатишмаганми? — деб энди мен саволга тутаман онамни.

— Ўргатишган. Номига. Бунинг устига чет тилини ўрганишга унча эҳтиёж йўқ эди. Чет мамлакатлар билан ҳозиргидай борди-келдилар қайда дейсан. Қара, яқинда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган "Нефть ва газ" кўргазмасида иштирок этиш учун четдан қанча меҳмон келди.

— Телевизорда айтишди, унда дунёнинг 35 давлатидан 700 компания иштирок этди, — дейман мен.

— Ҳа. Қанчадан-қанча сизлардай йигит ва қизлар Япония, Англия, Германия каби мамлакатларга бориб ўқиб келяпти. Ҳавасинг келади. Илгари, омади келган ўзбекнинг боласи нари борса Москвада ўқирди, қизим. Энди эса, мана сен, бир университетда япончани, Камола синглинг иккинчи университетда французчани ўрганаяпсизлар. Ҳозир шўро замонининг "ғаройиботлари"дан гапирсам, сизларга эртакка ўхшаб туюляпти. Майли, сизлар учун у замоннинг гаплари эртак бўлиб қолаверсин.

Онамнинг бундай гапларини эшитиб, ўйланиб қоламан. Ростдан ҳам эртакка ўхшайди. Атрофга янада жиддийроқ разм солишга уринаман ва ҳар қадамда, ҳар дақиқада мустақиллигимиз келтирган шарофатга, неъматларга дуч келишимизни ўйлайман.

— Нима қиляпсан? — деб сўрайман компьютердан бош кўтармай ўтирган курсдошим Нодира Тўлагановадан.

— Интернетдан чет элдаги университет сайтини қидиряпман, — дейди у...

Бу бир куннинг гаплари. Аслида, ўйлаб кўрсак, Ватанимизда истиқлол йилларида юз берган ва бераётган бундай ўзгариш-у юксалишларга ҳар қадамда дуч келамиз. Фақат биз уларни ҳар доим ҳам сезавермаймиз. Уларни билиш, сезиш ва энг муҳими, идрок этишимиз учун биз, ёшлар атрофимизга жиддийроқ назар солишга ўрганишимиз керак. Шунда ўн беш йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётганимиз — Истиқлолимиз қадрига янада кўпроқ етадиган бўламиз.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**

# МАЛИКАГА АТАЛГАН АСАР

***ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида малика Бадиъ ул-Жамолга аталган тиббий асарнинг дунё бўйича ноёб нусхаси сақланмоқда. Хаттотлик санъати билан ёзилганлиги, тилла сувида ишланган нақшлари ва энг асосийси 504 та доривор гиёҳларнинг рангли расмлари туширилганлиги боис диққатга сазовордир.***

Ўтмишда қадимий Мовароуннаҳр ёки ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида оддий халқдан чиққан табиблар қатори подшоҳлар ҳам табобат билан шуғулланганлар ва бу фаннинг ривожланишига кенг йўл очиб берганлар. Масалан, Хоразм хони Абулғози Баҳодурхон "Манофиъ ул-инсон" ("Одамларга фойдалар") номли асарини ўзбек ва форс тилларида ёзган. У даволаш ишларини йўлга қўйди ва беморлар муолажасида шахсан ўзи қатнашди. Юсуф Баёний "Шажараи Хоразмшоҳий" номли асарида унинг тажрибадан ўтказган даволари, тибдаги ихтиролари-ю захм касалига йўлиққан бир кишини қиздирилган қум билан даволагани хусусида ёзади.

Бухоро хони Субҳонқулихон эса беморларни қабул қилиб даволашдан ташқари, ётиб даволанадиган 18 ўринли маскан очиб, муолажа ишларида шахсан ўзи иштирок этади. Табобатга оид катта ҳажмли "Иҳё ут-тибби Субҳоний" ("Субҳонқулихоннинг табобатни тирилтириши") номли асар ёзади. Шунингдек у тиббий асарларни кўчиртириш билан ҳам шуғулланган.

Темурийлар, шайбонийлар ва аштархонийлар даврида ҳам тиббий асарлар ёзиш, уларни кўчириш ҳамда таржима қилиш ишлари давом эттирилди. Улардан бири "Ихтиёроти Бадиъий" ("Бадиъ ул-Жамолга аталган сайланма асар"дир. Муаллифи Али ибн Ҳусайн ал-Ансорий музаффарий ҳукмдорлардан Жалолуддин Шоҳ Шужоъ даврида Шерозда яшаб, сарой табиби вазифасини бажарган. Маълумки, Бадиъ ул-Жамол Шоҳ Шужонинг рафиқаси бўлган. Инглиз олими К. Элгуд "Форс табобати тарихи"да ёзишича, Зайн ул-Аттор лақабини олган Али ибн Ҳусайннинг отаси Жалолиддин Ҳусайн Исфаҳоннинг машҳур табиби эди. Илмий манбаларда Зайн ул-Аттор одам анатомиясига бағишланган "Туҳфат ус-Салотин" ("Султонларга туҳфа") ҳамда



**Дунёнинг хазинаси**

"Мифтоҳ ул-хазоин" ("Хазиналар калити") асарларининг муаллифи эканлиги келтирилган. "Мифтоҳ ул-хазоин"нинг муаллиф қўли билан кўчирилган дастхат нусхаси Оксфорднинг Бодлен кутубхонасида сақланмоқда. Асар 1369 йили ёзилган бўлиб, орадан уч йил ўтгач, муаллиф унинг учинчи қисмини қайта ишлаб, малика Бадиъ ул-Жамолга ҳадя қилган. К.Элгуд бу борада хатога йўл қўйган бўлиб, маликани шаҳзода деб атаган. Ваҳоланки, муаллиф асар муқаддимасида: "Билқиси замину замон, маликаи тахтинишин султон, нишони султони хавотини жаҳон... исмат уд-дунё вад-дин Бадиъ ул-Жамол", яъни "Замин ва замоннинг Билқиси, султон тахтининг маликаси, жаҳон динларининг султони... дин ва дунё покдомони Бадииъ ул-Жамол" деб тилга олади. Афтидан К.Элгуд қўлёзмани ўз кўзи билан кўрмаган бўлса керак.

Асар икки мақоладан иборат бўлиб, биринчи мақола содда дорилар, ўсимлик, маъдан ва ҳайвонлар хислатига, иккинчиси мураккаб (қўшма) дорилар хосиятларини очиб беришга бағишланган. Китоб қўлёзма ҳолида кенг тарқалган бўлиб, дунёдаги кўплаб қўлёзма хазиналарида мавжуд. Биргина Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида турли даврларда кўчирилган 20 та нусхаси сақланмоқда. Улардан кўпи XVI асрга мансуб. Бугун биз тилга олаётган, 1598 анжом рақамли, 281 варақдан иборат, настаълиқ хатида юксак бадиий маҳорат ва санъат билан безалган ва кўчирилган нусха ниҳоятда ноёбдир. Дарвоқе, Муҳаммад Ҳусайн ибн ал-Миракий ас-Самарқандий ўз даврининг етук хаттоти, наққош ва мусаввири сифатида эътибор топган. Қўлёзманинг аввалги икки варағига тилла суви билан ғоятда нафис унвон (лавҳа)лар ишланган. Доривор моддалар солинган 594 та идишлар тасвири Муҳаммад Ҳусайнгача ва ундан кейин ҳам тиббий асарларда учрамаслигини ҳисобга олсак, китобнинг қанчалик қимматли манба эканлигига амин бўламиз. Асар мукаммал ҳолга келгач, хаттот унга муқаддима ёзиб, асарнинг нусхалари кўп бўлса-да, уни бадиий жиҳатдан янада мукаммаллаштиришга қўл ургани, сўнг Абдуллатифхонга туҳфа қилганини таъкидлайди.

Асарни ўзбек тилига ўгириш, фотофаксимил нусхасини яратиш қадим табобат сирларидан тортиб, ўтмишдаги ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва тиббий асбобларни ўрганишда жуда қўл келган бўлур эди.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**тарих фанлари номзоди.**

# Эронда ўзбек кураши

*Маълумки, уч йилдан буён Эронда бобокалонимиз Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвали) халқаро турнири ўтказиб келинмоқда.*

Бу сафарги мусобақада Арманистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония, Озорбайжон, Индонезия, Туркманистон, Покистон, Шри-Ланка, Сурия, Қозоғистон, Фаластин, Эрон ва Тожикистон каби йигирмага яқин мамлакат полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Мусобақада эронлик Мохсен Гаффар, Бахман Ноушабади, Ҳусейн Оғазода, Саид Хусревинажод ва ўзбекистонлик Бобомурод Рустамовлар ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Ҳамюртларимиз Равшан Маҳмудов ва Улуғбек Исмоиловлар бронза медаллари соҳиби бўлишди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЛЕТОМ - АРКТИКА
Изготовлено по японской технологии с использованием комплектующих компаний "HITACHI" и "TOSHIBA"
Sitronic
КОНДИЦИОНЕРЫ
СПЛИТ-СИСТЕМЫ "ЗИМА - ЛЕТО"
Продукция узбекско-британского СП "Sitronic Hi-Tech"
2 ГОДА БЕСПЛАТНОГО СЕРВИСНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ
ЗИМОЙ - АФРИКА
Товар сертифицирован
СПРАШИВАЙТЕ В ТОРГОВЫХ РЯДАХ ПО УЛ. НАВОИ

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ К ПОСТАВКЕ в УЗБЕКИСТАН ВНЕДОРОЖНИКИ "HOVER", "SAFE", ПИКАПЫ "DEER", А ТАКЖЕ АВТОБУСЫ, МИКРОАВТОБУСЫ, ЛИМУЗИНЫ.
Техническое и сервисное обслуживание.
Поставка и установка аксессуаров и запасных частей.
Расширяем дилерскую сеть.
Приглашаем к сотрудничеству автосалоны г. Ташкента и Узбекистана.
По всем вопросам обращайтесь по телефонам: 152-66-95, 187-56-46.
E-mail: cent@cent.ars.uz
GWM
Поставка под заказ

"TOG'LAR" MCHJ
БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ
ШАХСИЙ ОМБОРХОНАДАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН
+ Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
+ Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
+ Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошка русумлар)
+ Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (Подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
+ Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
+ Прожекторлар ва светильниклар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО и хк.)
+ Ёритиш мосламалар жамламаси
+ Божхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари
Тел.: (+998 98) 128 5987
(+998 97) 107 2841
(+998 712) 153 0955
Т./Ф.: (+988 71) 152 1629
E-mail: toglar_uz@mail.ru
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
MANNESMANN
под заказ ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS
ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА
ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн, 2 ўриндиқли
ГАЗ-3307 Автоэвакуатор
ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун ШИНА
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
таклиф этади
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг жамоаси юристконсульт **Татьяна Васильевна ГРИГОРЬЕВА**нинг фожеали вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 123456